



Чигатой улуси хукмдорлари XVI аср бошларига кадар Шарқий Туркистоннинг эгалари эди. Туркистоннинг бу қисми «Мўғулистон» деб аталар эди. Лекин Шарқий Туркистон хукмдорлари Мўғулистоннинг гарбий қисмини Мухаммад Шайбоний бошчилигидаги ўзбекларга беришга мажбур бўлгандилар. 1508 йилга келиб эса уларнинг кўлида факат Иlining гарби билан Тангри тоғнинг (ТяньШаннинг) жанубий қисмигина қолди(Spuler, 32-6.).

Чигатой улуси хукмдорлари XVI аср бошларига кадар Шарқий Туркистоннинг эгалари эди. Туркистоннинг бу қисми «Мўғулистон» деб аталар эди. Лекин Шарқий Туркистон хукмдорлари Мўғулистоннинг гарбий қисмини Мухаммад Шайбоний бошчилигидаги ўзбекларга беришга мажбур бўлгандилар. 1508 йилга келиб эса уларнинг кўлида факат Иlining гарби билан Тангри тоғнинг (ТяньШаннинг) жанубий қисмигина қолди(Spuler, 32-6.).

Чигатой хонадонининг Шарқий Туркистондаги хоки-мияти номигагина эди. Чунки 1347 йилдан бери давлатнинг хакикий идораси турки Дуглат (дулат)(XIX асргача дулатлар мўғул қабилаларидан эканлиги хақидаги фикр хукмрон эди. Рус этнографи Н. А. Аристов 1894 йили уларнинг турки эканлигини исботлади. В. В. Востров, М. С.

Муханов.Родоплеменной состав и расселения казаков (конец XIX начало XX веков). Алма-Ата, 1968.36-40-6. Дуглатлар шажараси хақида қаранг. Тинишпаев. 65-бетга қаранг.) уругининг кўлида эди. Чигатой улусининг сўнгги вакили Ахмадхон ўзбеклар хокимиятига қарши қурашди. Аввалроқ бир жангни бой бергач, 1508 йилда ўзбеклар

томонидан Хўжандда ўлдирилди. Бу билан Шаркий Туркистонда Чигатой хонадонининг хукмронлик даврига нукта кўйилди. Ахмадхоннинг ўлими Шаркий Туркистоннинг сиёсий парчаланишини бошлаб берди. Масалан, Султон Абу Бакр Дуглат Олтишарнинг жанубий ўлкалари хукмдори сифатида (Кошгар, Янги Хисор, Ёркент, Хўтан ва Куча) ўз ерларининг мустақиллигини эълон килди. Куча, Кумул, (Хами) ва Гулжа волийси Музаффархон ҳам ўз ўлкаларининг мустақиллигини эълон килди. Давлат идораси мавжуд бўлмаганлигидан во-лийлар ўз мулкларида 1516 йилгача эркин ҳаракат килдилар. 1516 йилда Алашхон авлодидан Султон Саид (1488 й. туг.) Шаркий Туркистоннинг сиёсий бирлигини янгидан қуришга муваффақ бўлди. Султон Саиднинг хон қилиб сайланиши билан «Саидия» ёки «Хужалар» даври бошланган бўлди (Мухаммад Амин Буграҳон, Шаркий Туркистон тарихи, Сринагар, 1940, 270-6; Қорахўжа Амач, «Шаркий Туркистон - Хитой мустамлакаси», Истанбул, 1960, 7-16-6; Юкорида номи зикр қилинган муаллифлар бу ҳусусда манба кўрсатишмаган бўлса ҳам, Султон Саид хўжалар уругидан бўлиши эҳтимоли бор.). Султон ҳокимиятни биродари Мансур (1503 - 1545) билан бўлишди. Ўзи Кошгардаги жанубий Тарим хавзасини; Мансур Кумулда Ёттисув ва Турфан воҳасини идора этди. 1529 йили Саидхон тўнгич ўғли Абдуллашиднинг тахтнинг вориси деб эълон қилди. 1583 йили Абдуллашид отасининг тахтига ўтирди. Афсуски, у Шаркий Туркистоннинг сиёсий бирлигини қўриқлай олмади.

Ўзларини тўғридан-тўғри Пайгамбар(с.а.в.)нинг халифаси деб ҳисоблаган хўжалар (ёки саидлар) XIV юзйилликнинг ўрталаридан бери ислом маънавий ҳаётини танзим ва тайин этишарди. Сиёсий қурашларга қўшила оладиган даражада ўзларини қучли ҳис қилар эдилар. Абдуллашиднинг саройида хукмдорнинг ва халқнинг мутлақ ҳурматини қозонган Махмуд Аъзам («Тазкирайи Хважон» муаллифи Мухаммад Содик Қошғарий, Махдуми Аъзамнинг бобоси Саййид Қамолитдин Мажнуний асли маккалик бўлиб, Ўттор, Қосон, Фарғона ва Ўш хукмдори Султон Илик Мазийнинг ҳукумат бошқенти Ўзгандан қелганини қайд қилади. Хукмдор Мажнунийнинг қизига уйланади. Бу никоҳдан Бурхониддин ва Қилич исмли ўғиллар, аввалги никоҳдан Қамолитдин ва қенжа хотинидан Махдуми Аъзам исмли ўғиллар қўрганди. Қиёсланг: Robert B.Shaw, The History of the Khojas of Eastern Turkistan, 31-32-6; Мухаммад Атиф. Қошғар тарихи, Истанбул, 1882, 153-саҳифага биноан Махдуми Аъзам 1407 (ҳижрий 810 й.) Қошғарга қелган: А. Н. Қуропаткин, Қашғария, 85-саҳифасига биноан у XV аср бошида қелган. Махдуми Аъзам 1520 йилларда Қошғарда яшаган: Martin Hartman, Chinesisch Turkestan, 16-17-бетларига қўра Махдуми Аъзам 1520 йилларда оиласи билан Қошғарда яшаган. Owen Lattimore, Pivot of Asia, 15-16-6. қўра Махдуми Аъзам оиласидан тарқалган хўжалар XV асрда ҳам Чигатой хонларига таъсир кўрсатардилар. История народов Узбекистана, 1, 13-46, 246-саҳифаларига қўра Махдуми Аъзам XVI юзйиллик бошида Қосонда (Фарғона водийси) яшар эди ва Бобурнинг дин борасидаги ишларини юритарди. Шаркий Туркистонда исломнинг мустақамланишида гайрат кўрсатди. Баъзи муаллифлар уни «Қосоний» деб ҳам номлашади. 1548 йили 78 ёшида Самарқанд яқинидаги Дахбид қишлоғида вафот этган. Хўжалар тарихига оид энг нуфузли тадқиқот сифатида Хартманнинг «Ein Heiligenstaat im Islam» номли асари тан олинган.) яшар эди (Қуропаткин, 81-6; Валиханов, II, 301-6.). Махдуми Аъзамнинг вафотидан сўнг ўғиллари икки хил диний мазҳабга бўлиндилар. Эшон Қалон «Ишқия» тариқатини, Хўжа Исҳоқ Вали эса «Исҳоқия» тариқатини туздилар (Бугроҳон, 334-6.). Бу тариқатларнинг талаба ва мухлислари, тариқат ташкилотларининг йўриғи билан юриб, ишқияга алоқадорлари Ок тоғлик ва исҳоқияга дахлдорлари Қора Тоғлик гуруҳларига

ажралдилар. Ок тогликнинг маркази Кошгар, Кора тогликнинг маркази Ёркент бўлди. Хар икки тарикат гурухлари хукмдорларга таъсир ўтказа олар, факат ўзларининг орасидан бир хукмдор чиқара олмас эдилар.

Бу тарикатлар бири иккинчисининг омонсиз ракиби бўлди. Абдуррашиднинг ўлиmidан сўнг ислом бичими асосида мамлакатни парчалаётган бу икки оким ўртасидаги тортишувларни Мансур (1545) ҳам бартараф қила олмади. Бу ички қелишмовчиликлар хонларнинг сайланишига ҳам таъсир қиларди. Абдуррашиднинг ўрнига ўғли Шахобиддин Махмуд келди. Аммо Турфон хукмдори Шоххон унга қарши исён қўтарди. Факат тақрибан 50 йил кейин Абдуллатифхон 1579 йилга қадар ўз хукмронлиги даврида осойишталик ва ички сиёсат мувозанатини янғидан таъсис эта бошлади. Абдуллатифдан сўнг ҳокимиятга Махдумхон келди. Яна тахт гавгоси бошланди. Махмудхоннинг халафи Абдуллох ўз ўғли Йўлбарсга қарши урушишга мажбур бўлди. Ўғлига қарши юришдаги жангда 1667 йилда мағлуб бўлган Абдуллохнинг юртни тарқ этишдан бошқа чораси қолмади. Худди шу йили Йўлбарс хон бўлди, факат уни биродари Абдулмўмин мағлубиятга учратди ва у золим сифатида эълон қилиниб, 1670 йилда ўлдирилди (К. Т. (Аноним), Шаркий Туркистондаги тарихий воқеалардан, «Ёш Туркистон», 1936 й., N 85, 23-6. Оппокхўжа Шаркий Туркистонга Самарқанд атрофидаги Дахбиддан борган чоғда 33 ёшида эди. Бугрохон бўйича Мухдмад Амин Ёркентга юрди ва Оппокхўжани мағлуб қилгач, хон сифатида сайланди.). Тахт Абдуллохнинг қардоши Исмоилхонга ўтди.

Исмоилхон мамлакатга осойишталик келтирди. Аммо Ок тоғлиққа мансуб хўжаларнинг нуфузини қесишга ҳаракат қилганлиги учун Эшон Қалоннинг ўғли, Ок тоғлиқлар раҳбари Оппокхўжа хоннинг ашаддий рақибига айланди.

Исмоилхон Оппокхўжани Ёркентдан сургун қилди. Оппокхўжа Тибетга қочди. Бу ерда жунгорлар билан бирга Исмоилхонга қарши уруш очмоқучун Далай Ламанинг қўмагини илтимос қилди. Далай Лама Оппокхўжанинг бу орзусини жунгорлар хони Галданга (1671-97) билдирди. Галдан Оппокхўжа тарафдорларининг ёрдами билан 1678 йили Қошғар ва Ёркентни ишғол этди. Оппокхўжа Ёркентда «Жунгория хони вақили» сифатида эълон қилинди. Исмоилхон эса мамлакатни тарқ этиш заруратида қолди. Оппокхўжа халқ, хусусан, Қора тоғлиқ тарикати орасида Далай Ламанинг ёрдамида жунгорларни Шаркий Туркистон ҳокимиятига олиб қелганлиги, ҳатто ўзи ислом хукмдорига қарши қурол ишлатиб қурашганлиги учун ҳоин деб қабул қилинди. Оппокхўжа жунгорлар манфаатида зид бўлса ҳам Исмоилхоннинг биродари, Учтурфонли Мухаммад Аминни 1670 йилда хон деб эълон қилиш мажбуриятини ҳис қилди (Валихонов. ЗОЗ-б., Қуропаткин, 88-6.; Spuler, 243-6; H.W. Bellov, History of Kashghar, «Report of a Mission to Varkund in 1873 under Command Sir T.D. Forsyth, Calcuta 1875, 179-6.). Мухаммад Амин жунгорларни чекинтиришга муваффақ бўлган ва улардан 30000 дан ортиқ асир олган Мухаммад амин ҳам ўлдирилди. Бу ҳодисадан сўнг, табиийки, Оппокхўжа жунгорлар ёрдамида ҳокимиятни яна қўлга қиритди. Шу билан Шаркий Туркистонда хўжаларнинг мустақил ҳокимияти даври бошланган бўлди. Оппокхўжа 1693 йилда Қошғарда ўлди. Халқнинг назарида бир ҳоин бўлган Оппокхўжанинг қабри кейинги йилларда тарафдорларининг зиёратгоҳи бўлди. Унинг хотини Хонимпошша эрининг ўлиmidан сўнг ҳокимият қурашига аралашди. Мақсади ўғли Меҳдини ҳоким қилиш эди. Бу гоёни амалга ошириш учун Оппокхўжанинг бошқа хотинидан бўлган ўғай ўғли Яхёхонни қатл эттирди. Оппокхўжа оиласидаги бу фо-жадан Исмоилхоннинг қардоши Окбош фойдаланди. Тарафдорлари қўзғалиб, Ёркентда уни хон даражасига қўтардилар. Ок тоғлиқлар ҳам ўз сафларидан Аҳмадхўжани Қошғарда хон деб эълон қилдилар. Шаркий Туркистоннинг

Хитой ва жунгор хавфи натижасида тараф-тараф бўлиб турган бу онда, икки тарикатнинг икки хони тарафдорлари орасида конли бир урушни четлаб ўтиш мумкин бўлмаган бир ахволга келди.

Окбош Хўжандда кочкин бўлиб яшаётган машхур Хўжа Донилдан Ёркентга кайтишини сўради. Хўжа Донил бу ерда диний рахбарликни ўз кўлига олди. Номаълум сабабларга кўра Окбош ва Мехди (Оппокхўжанинг Хонимпошша билан никохидан бўлган ўгли) Ёркентни тарк этдилар. Бунинг оқибатида Хўжа Донил ҳокимиятни шахсан ўз кўлига олди. Факат Жунгория хони Тсеванг Рабдан (1697 - 1727) Ёркентни ишғол қилди. Хўжа Донил Рабданнинг Кошгарга киришига ёрдам берди. Бунга жавобан Рабдан 1720 йилда Олтишахар ҳокимиятини Хўжа Донилга топшириш йўли билан уни мукофотлади. Донил айрим волийлари шахсан ўзи тайинламок ва давлат даромадлари юзасидан мустақил қарорлар чиқармок ҳуқуқларини қўлга киритди. Шу билан бирга жунгорларга бўлган садокатининг гарови сифатида тўнгич ўгли Жахонхўжани Ил ига жўнатмокка мажбур бўлди. Дастлаб Хўжа Донил етакчилигида Ок тоғликлар Кора тоғликлар билан бўлган жангда қолиб бўлдилар. Жунгорлар Хўжа Донилга қарши чиқишнинг иложи бўлмагач, унинг обрўси ортишига путур етказишга ҳаракат қилишдан бошқа чораси қолмади. Донил қадам-бақадам жунгорларнинг ҳукмронлик даъволарини қечлаб қорди. Факат жунгорлар сабр-тоқат билан ҳаракат қилар ва қулай бир фурсатни қутар эдилар. Хўжа Донилнинг ўлимини улар шу фурсат қелган деб билдилар.

Жунгор хони Галдан Тсеринг (1727 - 1745) Туркистон (Олтишаҳдр) Хўжа Донилнинг тўрт ўгли орасида бўлиниши гоёсини берди. Донилнинг тўнгич ўгли Жахон Ёркент ҳокими, бошқа ўғиллари Юсуф, Айюб ва Абдуллох тартиби бўйича Кошгар, Оксув ва Хўтан ҳокимлари бўлдилар(Златкин, 439-6.). Бу билан Шаркий Туркистонда тўрт «шаҳардавлат» ташкил этиладиган бўлди. Бу тўрт мустақил ҳукмдорлардан Кошгар ҳукмдори Юсуф, онаси жунгор маликаси экани ва ўзи жунгорчада яхши гаплашиши ҳамда жунгорлар саройида тарбияланган бўлишига қарамай, жунгорларга душман эди. Жунгорларнинг ўзига хос хусусиятларини яхши биларди. У 1754 йили эски Кошгар қалъасини янғидан қура бошлади. Мақсади жунгорлардан мамлакатни озод қилиш эди. Унга Ёркент ҳокими Жахон ҳам қўшилди. Жунгорлар ўз муҳолифлари ҳаракатини бостириш учун элчилар юборди. Бунга жавобан Юсуф аввалроқ бошлаган юришини давом эттирди ва халқни озодлик учун қурашга чақиради. Халқ бу чақириққа қўшилди. Бунга қарши жунгорлар Ёркент волииси Ғозибекнинг уйида Жахонни хибсга олишга муваффақ бўлдилар. Қамокдан қочган Жахоннинг ҳимояси учун 1000 кишини Юсуф Ёркентга юборди. Хибсдан қочган Жахоннинг ўгли Со-диқхўжа ҳам атрофига 7000 қурулди одам тўплаб, Ёркентни ишғол қилди. Отасини қутқарди ва Ғозибекни хибсга олди. Ғозибек Жахондан узр сўради ва жунгор элчиларини хибсга олишга изн сўради. Жахон узрни қабул қилди. Факат у «динсизларни уруш майдонидагина ўлдира олиш» фикрида бўлганлигидан, элчиларни хибсга олиб, ўлдирилишига рухсат бермади. Аксинча, бирмунча қулатувчилар билан соғ-саломат ватанларига жўнатишни таъминлаш амрини берди.

Кошгарнинг мустақиллик ҳаракатларига Хўтан ҳам қўшилди. Факат ахвол 1753 - 1754 йилларда хитойликларнинг фойдасига ўзгарди. Юз йилга яқин вақтдан бери жунгорлар билан урушиб қелган хитойлар уларнинг ички ишларига аралашиб фурсатини қўлга киритдилар. Жунгорлар орасидаги рақобатчи гуруҳлардан бири билан иттифок тузишди. 1749 йилдан бери жунгорлар ичида тахт ғавғоси давом этарди. Дебасти ўртоғи Амурсаннинг ёрдами билан муваффақиятли бир жанг натижасида 1752 - 1753 йилларда

жунгорларнинг хони бўлди. 1753 - 1754 йилларда эса мавкеини мустахкамлади. Бу даврда унинг аввалги кадрдон дўсти ашаддий душманига айланди. 1754 йил ёзда икки собик кадрдон дўст орасидаги илк тўқнашув бўлиб ўтди. Амурсан жангни бой бериб, хитойлар тарафига кочди (Atif, 223-6.). У Дебастининг кучларига қарши хитойлар билан иттифокда урушишга ҳозир эканлигини маълум қилди. 1755 йилда хитойлар қўшини, Амурсан кучлари билан биргаликда жунгор тупроқларига кирдилар.

1755 йил 14 майида Текес ирмоғи воҳасида жунгорлар билан хитойлар орасида илк жанг бўлди. Хитойлар бошида Амурсан турарди. Дебасти жангни бой берди ва Уч-Турфонга кочди. Лекин у Уч-Турфон волиси Сидак томонидан хитойларга тутиб берилди. Хитойлар Амурсанни Или ўлкаси («Или» қуйидаги маъноларни ташийдилар: 1) дарё; 2) бу дарёнинг юқори оқимидаги ўлка; 3) 1764 йили қурилиб кейинроқ Гулжа номини олган шаҳар, Мирзо Шамси Бухорий, Козон, 1861, Баёни баъзи хаводисот Бухоро ва Хўканд ва Кошгар, 94-6, Монах Якинов [-Бичурин), «Описание Джунгарии и Восточного Туркестана в древнем и нынешнем состоянии», СП, 1829, бу асарга қўра Или шаҳри билан Гулжа шаҳри бир эмас.) ҳукмдори қилиб тайинладилар. У уч шахдр-давлатнинг (Кошгар, Ёркент, Хўтан) мустақиллигига хотима беришга зўр бериб ҳдракат қиларди. Хитойлар қўлига ўтган дастлабки шахдр Оксуб бўлди. Факат на Амурсан, на хитойлар Уч шаҳар давлатига қарши куч қўллаш имконига эга эмасди. Уч-турфон волиси Сидак ва Оксуб волиси Абдулвахоб Или ноҳиясида жунгорларнинг назорати остида яшаётган Хўжа Аҳмад ўғилларида бирининг ҳдрий бўлмага бош қилиб, Кошгарга жўнати-лишини ва Кошгар хони ўларок эълон этилишини Амурсанга тавсия қилдилар. Бунинг учун Хўжа Аҳмаднинг фарзандлари Хонхўжа ва Бурхониддин сургундан Гулжага келтирилдилар. Хонхўжа бу ерда гаров сифатида қолади. Бурхониддин 5 минг мусулмон, 1000 жунгор ва уч юз хитой аскарлари билан Оксубга юрди. Кошгар урушида бу ер асосий ҳаракат нуқтаси бўлиши керак эди.

Ёркентда истикомат қилаётган Кошгар ҳукмдори Юсуф Бурхониддинга ва умуман, хитой-жунгор истило-сига қарши мудоффа чораларини қўрди. 1756 йилда Юсуф оламдан ўтди. «Пошхохўжа» унвонини олган унинг вориси Абдуллахўжа Кошгар, Янги Хисор, Ёркент ва Хўтандан аскарлар тўплаб ва ташкилий тадбирларни амалга ошириб, хитойларнинг йўлини тўсиш учун Уч-Турфонга юрди. Аммо Бурхониддин киргизларнинг ёрдами ила Кошгарни ишғол қилди. Бу ерда ҳдм Ок тоғлиқлар билан Қора тоғлиқлар орасидаги душманлик ўзига хос бир қўринишда намоён бўларди. Масалан, Ок тоғлиқ хўжалар хитой ва жунгорлар қўлида бир ўйинчок эди.

Бурхониддин бўлинмалари 1757 йилда Ёркенттомон юрдилар. Ёркент ҳукмдори Жаҳон ортиқча қон тўкилишини истамади. Жаҳон қўнгли бўш одам ва олим эди. Аммо Хитой ва жунгорларга ҳам тобе бўлишни истамас эди. Бурхониддин Ёркент деворларига етиб келди ва Жаҳонга таслим бўлишни таклиф қилди.

Жаҳон эса ўзининг мусулмон ҳукмдори эканлиги ва динсизлар билан газавотдан бошқа алоқа йўлини билмаслигини аён қилди. Бурхониддин шаҳарни қамал қилди. Эски хоин, Ёркент волиси Ғозибек, агар бундан кейин ҳам волий мансабида қолдириладиган бўлса, шаҳар дарвозаларини очтира олажаги ҳусусида Бурхониддин билан ҳуфия битим тузиш билан яна хиёнат қилди. Жаҳон халқни газавотга чақирди. Қирк мингга яқин қуроллилар инсон Бурхониддин етакчилигидаги хитойликларга ва жунгорларга қарши чиқди. Ғозибек шаҳар дарвозаларини очиб, ўзи Бурхониддин ўрдасига кочди. Жаҳоннинг шахдрни тарқ этишдан бошқа имкони қолмади. Ғозибек кучларни шаҳарга йўналтирди. Бурхониддин қочаётган Жаҳонни таъқиб этди. Жаҳон Варафшон ирмоғини (бу ирмоқ

Гарбий Туркистондаги шу номли ирмок билан чалкаштирилмасин) кечиб ўтаркан, асирга олинди. Жахон ва унинг оиласи Ёркентда катл килинди. Жахоннинг факат бир ўглигина - Назирхўжагина Хиндистонга кочишга муваффақ бўлди.

Хитойлар Бурхониддин ёрдамида Шаркий Туркистонда мавкеларини мустахкамлаб олгач, унга Кошгар хокимиятини бериш ниятидан кайтдилар. Аксинча, 1758 йилда Кошгарни ўзлари ишгол килдилар.

Хитойларнинг сукути ва эътиборсизлиги Бурхониддиннинг хитойларга карши уруш очишига асос бўлди. Хали Бурхониддин хитойлар билан иттифок бўлиб иш кўраётган пайтдаёқ унинг укаси Хонхўжа хитойларга карши кўзгалган эди. 1758 йилда Бурхониддин укаси Хонхўжа ва бошка тарафдорлари билан бирга хитойларга карши жанг бошлади. Факат бирон натижага эришмади. Хитойларга карши туриш учун жуда кўп вақт ўтказиб юборилган эди. Улар Кошгарнинг мустахкам мавзеларига махкам жойлашиб олган эди. Хитойлар Бурхониддинга карши Илидан 10000 кишилик бир куч ташладилар. Бурхониддин 1759 йилда Бадахшонга кочди. Бадахшон(Амударёнинг чап қирғогидан Кўксув дарёсигача бўлган жойдаги Бадахшон вилояти теңурийлардан сўнг 1645 йилдан бошлаб ўзбеклар хокимияти остида бўлди ва Бухоро ҳамда Балх ҳукмдорлари томонидан идора килинди. Бадахшон XVIII аср ўрталарида Ёрбек бошчилигида мустакилликка эришди. Бурхониддин Бадахшонга кочганда, Хитой аскарлари уни таъкиб килиб, 1760 йилда Бадахшоннинг маркази бўлмиш Файзободгача кириб келдилар. Махдллий ҳукмдор Султоншоҳ Хитойга тобе бўлишга мажбур бўлди. Киёсланг:У. Н. Wathen's «Memoir Chinese Tartary und Koten», journal of Asiatie Society of Bengal, 1835, IV; 1763 йили Кандаҳор ҳукмдори Аҳмад Бадахшонни кўлга киритди ва Бурхониддинни Хитойларга топширгани учун Султоншоҳни катл килдирди, қаранг: Валихонов 312-бет; John Wood, A Personal narrative of the River Oxus by the route of Indus, Kabul and Badakhshan in the years 1835-38, London 1841, 247-48, 1835 йили Файзободда ёлғиз бир дарахт ва ёлғиз бир инсон колганди. Бу хусусда қаранг: Barthold, III жилд, 343 - 347-бетлар.) ҳукмдори Султон Шохуни 1760 йилда хитойларга топширди. Бурхониддин Пекинда катл этилди. Жахоннинг оиласи бошига шунча мусибат келтирган Хўжа Бурхониддиннинг энди айни шу ҳолатдаги фожиа ўз оиласи бо-шига келди. Ўзи катл килинди. Икки ўгли хитойликларга асир тушди ва бошка тўрт ўгли эса ракиби Жахон хўжа билан бўлган жангда ўлган эди. Факат вояга етмаган ўгли Хўжа Саодат (Саримсок) хаёт колди. Кейинрок шу ўгли Шаркий Туркистон учун қурашларда муҳим бир роль ўйнади. Хитойликларнинг кўшни қучлар воситасидаги зафаридан сўнг Шаркий Туркистонга уларнинг жойлашиши билан богликхолда хитойликлар ва туркистонликлар орасида орқа-олди кўринмаган қураш даври бошланди.

Др.Боймирза Хайитнинг

"Туркистон Россия ва Хитой оралигида" китобидан